

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи А.Нурматов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. Ў.Розиқов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов.

Кимё фанлари- акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари- акад. К.Тожибоев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. А.Баташов.

Техника фанлари- т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари – з.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари – акад. Н.Каримов, акад. Т.Мирзаев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Х.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев.

География фанлари - з.ф.д., доц. Б.Камалов, з.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари- п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., проф., Л.Муминова, п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев.

Тиббиёт фанлари – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: Н.Юсупов.

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e- mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади. НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.09.2020 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 9). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

- 7.Xoji Ismatulloh Abdulloh. Markaziy Osiyoda islom madaniyati: Qisqacha ma'lumotnoma. –Toshkent. 2005. –B.87
- 8.Timoti Uinter. XXI asrda islom (Postmodern dunyoda qiblanı topish).–Toshkent. 2005. – B.45
- 9.Encyclopedia Britannica Book of the Year (2010) –P.234
- 10.Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент.: Hilolnashr. 2019. –Б. 290-291.
- 11.Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент.: Hilol nashr. 2019. –Б. 292.
- 12.Алберт Эйнштейн. Дин ва фан. (Хуршид Йўлдошев. Шижоат ва матонат манбаи). www.kh-davron.uz
- 13.Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент.: Академия. 2011. –Б. 323.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Алиханов Мухаммаджон Махаммадсолиевич
Наманган муҳандислик-технология институти
тарих фанлари номзоди, доцент
тел: 93 678-19-77 e-mail: muhammadjon-a@umail.uz

Аннотация: Мақолада Англия ижтимоий шерикчилигининг юзага келиши, ривожланиши ва ҳолати турли манбалар асосида ўрганилган. Малакавий таълим соҳасидаги шерикчиликда давлат, касба уюшмалари ва хусусий секторнинг иштироки қийёсий таҳлил қилинган. Шунингдек бу тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар берилган

Калит сўзлар: ижтимоий шериклик, давлат органлари, нодавлат ташкилотлари, касба уюшмалари, бизнес субъектлари, касбга қайта тайёрлаш, ишсизлик, таълим муассасалари.

СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Алиханов Мухаммаджон Махаммадсолиевич
Наманганский инженерно-технологический институт
кандидат исторических наук, доцент
тел: 93 678-19-77 e-mail: muhammadjon-a@umail.uz

Аннотация: В статье исследуется возникновение, развитие и статус социального партнерства в Великобритании на основе различных источников. Сравнивается участие государства, профсоюзов и частного сектора в партнерстве в сфере профессионального

образования. Есть также предложения и комментарии по применению этих практик в Узбекистане.

Ключевые слова: социальное партнерство, государственные органы, негосударственные организации, профсоюзы, бизнес субъекты, профессиональная переподготовка, безработица, образовательные учреждения.

THE SOCIAL PARTNERSHIP IN THE SPHERE OF EDUCATION

Alihanov Muhammadjon Mahammadsolievich

Namangan institute of engineering and technology

PhD in history, docent

Phone: 93 678-19-77 e-mail: muhammadjon-a@umail.uz

Annotation: The article examines the emergence, development, and status of social partnership in the UK based on a variety of sources. The participation of the state, trade unions and the private sector in the partnership in the field of vocational education is compared. Suggestions and comments were also made on the implementation of these practices in Uzbekistan.

Key words: social partnership, government organizations, non-government organizations, trade unions, business organizations, professional re-preparation, unemployment, educational institutions.

Мамлакат ривожланиши учун иқтисодий ислохотлар билан бирга ижтимоий муносабатларни тўғри йўлга солиш, уларни жамият тараққиётига йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир мамлакатни ривожлантиришда унинг иқтисодий имкониятлари билан бирга интеллектуал салоҳияти катта рол ўйнайди. Жаҳон миқёсидаги долзарб муаммолардан бир сифатида ишсизлик масаласини кўриш мумкин. Лекин бу ҳолат жуда ҳам мураккаб хусусиятга эга ва ҳудудлар миқёсида турлича даражада акс этади. Ишсизлик муаммоларининг олдини олишда турли даражадаги давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлик қилиши, яъни ижтимоий шериклик яхши самара берадиган усуллардан биридир. Бозор муносабатларига асосланган, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида у ёки бу кўринишда шаклланган ижтимоий шерикликни учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунида “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ ва ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир” [1], деб таъриф берилган. Илмий адабиётларда **ижтимоий шерикчилик** – бу ижтимоий меҳнат соҳасида жамият ҳаётидаги долзарб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда иш берувчилар, корхона эгалари, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзни бошқариш органлари билан шартнома, келишувлар асосида ишчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро

муросага келтиришга қаратилган цивилизациялашган ижтимоий муносабатларнинг замонавий тизими [2.4], дея изоҳланади.

Таълим соҳаси ёш авлодни касб-хунар эгаси қилиб тарбиялаш, жамият тараққиёти ва мамлакатнинг ривожланишида жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг таълим олиши ва касб-хунар эгаси бўлиб шаклланишида давлат ва таълим муассасаларининг роли катта, бироқ бунинг ўзи етарли эмас, чунки бу жараёнда оила ва маҳалланинг ўрни ҳам бор. Шундай экан давлат муассасалари ёшларга билим беришда оила ва маҳалла институтлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши самарали ҳисобланади. Шунингдек, бу жараёнга ёшлар билан боғлиқ нодавлат ташкилотларининг иштироки қўшилса, самарадорлик янада юқори кўтарилади. Айнан мана шундай жараён ҳозирги вақтда ижтимоий шериклик деб талқин этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида таълим соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилди. 1997 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”га мувофиқ таълим босқичларида янги ўрта махсус касб-хунар коллежлари тизими шакллантирилди. Республиканинг деярли барча ҳудудларида турли соҳаларга ихтисослашган касб-хунар коллежлари ташкил этилди. Бироқ, бу соҳада вужудга келган муаммо шунда эдики, шаҳар марказларидаги ўқувчиларда мутахассислик танлаш имкони бўлса-да, чекка ҳудудларда бунинг имкони жуда кам бўлди. Масалан, вилоят марказидан узоқда жойлашган қишлоқларда дастурчи, кончи ёки ҳисобчи тайёрлайдиган йўналишда 20 йил давомида қишлоқ мактаби битирувчиларининг асосий қисми таълим олди. Натижада ҳудудларда, айрим соҳалар бўйича, талабга нисбатан бир неча баробар кўп кадрлар тайёрланган бўлса, баъзи соҳаларда кадрлар етишмовчилиги вужудга келди. Бу жуда катта миқдордаги кадрларни ўз мутахассислиги бўйича иш топишда сунъий тарзда муаммони пайдо қилди.

Эндиги вазифа мавжуд муаммони ҳал этишнинг самарали усуллари топиш ва уни амалиётга татбиқ этиш ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур масалада ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатиш зарур. Бунинг учун ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий шерикчилик муносабатлари даставвал ғарбдаги касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келди. Европа мамлакатлари орасида ижтимоий шерикчилик масаласи дастлаб Англияда шакллана бошлаган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки XVIII асрлардаёқ, Англияда илк касаба уюшмалари, жумладан, шляпадўзларнинг касаба уюшмаси тузилган бўлса, XIX аср ўрталарида жамоавий шартномалар пайдо бўлди[3.3]. Бунинг қуйидагича сабаблари мавжуд эди. Корхоналарда иш кунини мажбуран узайтирилишида давлат капиталистларни қўллаб-қувватлаган. Бунинг учун “ўйлаб чиқарилган иш ҳақи” ўрнатилган ва иш вақти давомийлигини қонуний тартиблар билан мустаҳкамланган. XIV асрдан бошлаб бир қатор Ғарбий Европа мамлакатлари (Франция, Буюк Британия, Нидерландия в.б.) каби Буюк Британияда ҳам ишчилар тўғрисида низом (қонун) амал қилган[4]. Бу низом(қонун)лар иш кунини вақти ва иш ҳақи даражаларини белгилаш мақсадида ўрнатилган.

Бундай низомларни бекор қилишда ишчилар онгининг ўсиб бориши муҳим аҳамият касб этган. Ўзларини ҳимоя қилиш учун ишчилар бирлашишга мажбур эдилар. Капиталистлар уюшган ишчилардан ҳадиксираб, давлат орқали ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам кўп мамлакатларда касаба уюшмаларини тақиқлаш тўғрисида қонунлар мавжуд бўлган. Фақатгина XIX аср охирига келиб касаба уюшмалари қонунийлаша бошлади. 1871 йилдаги қонунга биноан Англиядаги касаба уюшмалари рўйхатга олинган ва рўйхатдан ўтказилмаган икки гуруҳга ажралиб қолган[3.6]. Рўйхатдан ўтиш ихтиёрий бўлган ҳамда бир қатор афзалликларни қўлга киритган.

Жумладан, 1868 йилда Тред-юнионларнинг Британия конгресси ташкил топди. Белгия ишчи партияси 1898 йилда касаба уюшмалари комиссияси ташкил этилган бўлса, 1906 йили Россияда ташкиллаштирилган касаба уюшмалари ҳаракати бошланган. АҚШда эса ишчиларнинг ташкилотлари XX асрнинг 30-йилларидан қонуний тан олинган (закон Вагнера 1936 г. и закон Норриса-Ла Гардена 1932 г.)[3.7]. Бу ўз навбатида Англияда ишчиларнинг уюшмалари бошқа мамлакатларга нисбатан оддинроқ қонунийлашганлигини кўрсатади. Касаба уюшмалари ҳаракатларининг ривожланиши иш берувчилар уюшмаларининг пайдо бўлишига олиб келган.

XIX аср охири – XX аср бошларида саноатлашган мамлакатларда босқичма-босқич меҳнат қонунчилиги шаклланади. Мисол учун 1907 йили Данияда фуқаролик кодекси, 1911 йили Швейцарияда мажбуриятлар кодекси, 1915 йили Норвегияда махсус қонунчилик, пайдо бўлди. 1918 йили Германияда, 1919 йили Францияда шундай қонунлар қабул қилинди. Натижада 1919 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) пайдо бўлди. Бироқ, ижтимоий шерикчилик ҳали том маънода амал қилмас эди. XX аср бошидан бошлаб ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатларини бошқаришда “ижтимоий шерикчилик” тушунчасини мустаҳкам ўрнатилишига деярли ярим аср вақт кетди.

Дунёнинг бошқа ривожланган капиталистик мамлакатлари каби Англияда ҳам 1929-1933 йиллардаги иқтисодий кризис ва Иккинчи жаҳон уруши ҳам капиталга бўлган ёндашувни ўзгартирди[4]. Шу билан биргаликда касаба уюшмалари билан ҳамкорликнинг янгича йўллари излаш ва ривожлантиришга олиб келди. Касаба уюшмаларининг фаолияти кучайиб борди.

XX аср биринчи ярмида ишлаб чиқариш концентрациялашувининг кучайиши, иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашуви, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви ва иқтисодиётдаги ҳарбийлашувнинг кучайиши давлатнинг иқтисодий функцияларини кенгайтишига олиб келди. Шу билан биргаликда давлат нафақат иқтисодиётни бошқаришга, балки ижтимоий муносабатларга ҳам аралаша бошлади. Ғарбий Европада касаба уюшмалари социал қонунчилиқни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Шу жараёнда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг “умумий фаровонлик давлати” (Welfare State) ғояси шаклланди.

XX аср 40-50-йилларидаги “ижтимоий фаровонлик, тинч-тотувлик” доирасидаги давлат сиёсати таълим тизими, соғлиқни сақлаш, турар жойлар қурилиши, ижтимоий таъминот дастурлари, энг кам иш ҳақи миқдорини тартибга

солиш каби соҳалардаги ютуқлар аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат дастурларининг натижаси бўлди.

Ижтимоий соҳадаги сиёсат “умумий фаровонлик давлати” ғоясига мос равишда жамиятнинг барқарорлиги, низоларни бартараф этиш, бирдамлик ва шерикчиликка эришиш ёрдам беради. Айнан урушдан кейинги даврда давлат фуқароларни минимал ижтимоий таъминоти тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминлади.

Англияда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни трипартизм (уч томонлама ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабат) асосида институционал ҳал қилиш XX аср 60-йилларидан бошланди. Натижада, 1962 йилда Англияда консерваторлар ҳукумати ҳузурида Иқтисодий ривожланиш миллий кенгаши (Национальный совет экономического развития) тузилди[5]. Унинг таркибига ҳукумат таркибидан, Британия бизнесидан ва касаба уюшмаларидан вакиллар киритилди. Иқтисодий ривожланиш миллий кенгаши асосан иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланди. 1964-1970-йиллардаги лейбористлар ҳукумати томонидан тармоқлар бўйича ва ҳудудлар даражасида Иқтисодий ривожланиш миллий кенгашига ўхшаш тузилмалар шакллантирилди.

XX аср 70-йилларида Иқтисодий ривожланиш миллий кенгаши ишлаб чиққан таклиф ва тавсиялар “ижтимоий шартнома” сиёсатида фаол қўлланилди. Бунинг мазмунига кўра, ҳукумат ва Британия Тред-юнионлар Конгреси ўртасида шерикчилик муносабатларида келишув юзага келди. 1974 йил Британия Тред-юнионлар Конгреси съезди “Коллектив музокара ва социал контракт”, деб номланган ҳужжатни имзолади. Бу ҳужжатга айрим кўринишдаги маҳсулотлар нархлари устидан назорат олиб бориш, соғлиқни сақлаш соҳасини яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, тураржойлар қуришни кенгайтириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустақамлаш каби ҳукуматнинг вазифалари киритилган. Бу билан касаба уюшмалари фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш ва ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида кўтарилган талабларни илгари суришни ўз зиммасига олди.

“Ижтимоий шартнома” келишувида корхона эгалари вакиллариининг тўғридан-тўғри иштироки режалаштирилмаган. Бироқ, унинг мазмуни бизнесменлар манфаатларига мос келган. Касаба уюшмалари зиммасига иш ташлашларни чеклаш масъулияти юклатилиши билан биргаликда, ҳукумат корхоналар эгаларини зиддиятлардан холи қилиб, уларни мустақиллигини сақлаб қолди. Шунингдек, Британия ҳукумати “Ижтимоий шартнома” келушувини тайёрлаш жараёнида Британия саноатчилари конфедерацияси билан маслаҳатлашиб борган.

Шундан сўнг М.Тэтчер бошчилигидаги консерваторлар ҳукумати келишувнинг бошқа вариантыда касаба уюшмаларига бир томонлама ён беришни таъкидлаган таклиф берди. Бундай вариантдаги “Ижтимоий шартнома” Британия Тред-юнионлар Конгреси томонидан рад этилди ва Буюк Британия касаба уюшмаларининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кураши бошланди. XX аср 80-йилларида ижтимоий шерикчилик тажрибасига асосланган

“ижтимоий шартнома” сиёсати Австралия, Ирландия, Мальте, Янги Зеландияга ёйилиб борди.

Ғарб мамлакатларида жамоа шартномаларини тузишда унинг мазмуни ва масаларни қамраб олишига алоҳида урғу берилади ҳамма мазкур масалаларда томонларнинг ўзаро келишувига давлат аралашуви кузатилмайдди. Шунингдек, жамоа шартномаларининг таркиби қуйидаги масаллар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Ишдан бўшатиш ва компенсация тўлаш шартлари, техника хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқаришдаги санитарияни яхшилаш, қўшимча ишлаб чиқариш суғуртаси ва корхона томонидан хусусий пенсия жорий этиш, касбий таълим ва малакавий қайта тайёрлаш кабилар шулар жумласидандир.

XX аср 80-йилларида Англияда амалдаги жамоа шартномаларининг салбий жиҳати икки ярусли жамоа келишуви ва “келишувда ён бериш” билан характерланади[3.6]. Ўхшаш жамоа шартномаларини тузишда ишчилар талаблари даражасини пасайтириш, ўз манфаатларини ҳимоя қилишнинг жамоавий усуллари самарасига ишонмаслик, оммавий ишсизлик ва меҳнат низоларида иштирок этганда иш ўрнини йўқотишдан қўрқиш кабилар ҳам шулар жумласидандир.

Англиядаги ижтимоий шерикчилик муносабатлари тарихини қисқача ўрганиш орқали бу борада тажрибаларни оммалаштириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик лозим. Ғарбий Европа мамлакатларидаги замонавий ижтимоий шерикчилик амалиёти доимо инқирозлардан хавотирланиб боради ва Халқаро меҳнат ташкилоти ушбу хавотирни енгиш ҳамда ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришнинг янги тенденцияларини ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Ўйлаймизки, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда касба уюшмалари ҳам худди шундай қуролланиб бориши зарур.

Европа мамлакатларида ижтимоий шерикчиликнинг учта модели кенг тарқалган. Биринчи моделда биз давлатнинг иштирокини деярли сезилмаслигини, унда фақат назорат қолганлигини тушундик, иккинчи моделда давлат малакавий таълим ва ўқитишни режалаштиради, вужудга келтиради ва уни бошқаради ҳамда учинчи моделда давлат хусусий компаниялар ва ташкилотларда малакавий таълим ва ўқитишни умумий фаолият доирасини белгилаб беради. Иккинчи ва учинчи моделлар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар мазмунига мос келади. Корхона ва ташкилотларда малакавий таълим соҳасидаги ижтимоий шерикчилик тажрибаси шаклланиб, етарли даражада ривожлангандан сўнг учинчи моделни ҳам амалиётда қўллаш мумкин.

Ўзбекистон шароитида аҳолининг бандлигини таъминлаш, ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш, бу борада давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шерикчилик фаолиятини жонлантириш мақсадида қуйидаги тавсияларни ҳулоса сифатида бериш мумкин.

Биринчидан, ўтган йиллар давомида олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларини битирган, бироқ ўз соҳаси бўйича иш топа олмай қолганлар бўйича статистик таҳлилни амалга ошириш зарур. Бунда уларнинг сони, мутахассисликлари, яшаш ҳудуди ва бошқа маълумотлар базаси шаклланади.

Иккинчидан, ҳудудларда яратилаётган янги иш ўринларидаги, уларга зарур бўлган касб, соҳа ва йўналишларни ўрганиш, яъни ишчиларга бўлган талабни

аниқлаш керак. Келажақда қандай соҳаларга мутахассисларни йўналтириш тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади.

Учинчидан, мавжуд иш ўринларида фаолият олиб бораётган, бироқ ушбу соҳа бўйича касб малакаларига эга бўлмаганлиги сабабли ишсиз бўлиб қолиш ёки ўз иш ўрнини йўқотиш арафасига келиб қолганлар, бу хусусий секторда ёки давлат секторида бўладими барчаси тўғрисидаги маълумотларни жамлаш лозим. Ишлаб турган ходимни қайта тайёрлаш корхона ёки муассаса раҳбарлари учун ҳам янги ишчини олиб келиб уни малакасини шакллантириб, муҳитга мослаштиришдан кўра қулай ва самарали бўлади. Яна бир муҳим жиҳати иш берувчилар ўзида ишлаб турган ходимнинг ижтимоий ва руҳий хусусиятлари тўғрисида етарлича маълумотга эга.

Тўртинчидан, юқоридаги ишларни амалга оширилгандан сўнг, ишчи талаб этилаётган соҳалар бўйича қайта тайёрлаш ёки ўқитиш жараёнларини амалга ошириш мақсадида ҳудудлар кесимида мавжуд имкониятни ўрганиш керак. Чунки айрим соҳадаги кадрга эҳтиёж бўлиши мумкин, бироқ уни тайёрлайдиган мутахассислар ҳудудда борми ёки бошқа сабабларни аниқланади. Яқинроқ бошқа ҳудуддан мураббийларни жалб қилиш имкониятлари ҳам маълум бўлади.

Ишчиларни қайтадан ўқитишда давлат органлари ҳуқуқий масалаларни ҳал этади, нодавлат ташкилотлари ёки касаба уюшмалари ташкилий масалаларни ҳал қилади, молиявий масалалар вазиятдан келиб чиқиб, давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар орасида тақсимланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 йил. 488-модда.
2. Михаев В.А. Основы социального партнерства: теории и практика. Учеб. для вузов. –Москва. Экзамен, 2001.
3. Яблокова И.А. Коллективный договор в Англии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. 1995.
4. Социальное партнерство как метод согласования интересов субъектов социального государства. Лекция СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА №15.
5. <http://bugabooks.com/book/191-osnovy-socialnogo-partnerstva-teoriya-i-politika/19-glava-desyataya-mirovoj-opyt-razvitiya-socialnogo-partnerstva>.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиёв Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00 **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263